



К Р И М
(ариза асосдан қолдириш ҳақида)

Қўқон шаҳри

2022 йил 09 январь 4-1502-2201/5444-сон иш

Қўқон туманлараро иқтисодий суди, судья Ж.Эргашевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Маматкуловнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи «Аризачи ташкилот номи»нинг жавобгар «Жавобгар ташкилот номи»ни банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни суднинг биносида ўтказилган очик суд муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Аризачи «Аризачи ташкилот номи» (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) ариза билан судга мурожаат қилиб, жавобгар «Жавобгар ташкилот номи» (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)ни банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туришни сўраган.

Аризачи ва жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор этилган, лекин суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Суд ишни уларнинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд иш ҳужжатларига баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра ишни кўрмасдан қолдиришни лозим топди:

аниқланишича, жавобгар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандида янги рўйхатдан ўтаётган юридик шахслар давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилган кўчмас мулк ижараси ёки текин фойдаланиш бўйича дастлабки шартнома маълумотлари асосида рўйхатдан ўтказилиши, бунда юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб ўн кун муддатда аризада кўрсатилган ёхуд бошқа кўчмас мулк ижараси ёки текин фойдаланиш шартномасини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйишлари шарт бўлиб, мазкур шартни бажармаслик юридик шахс ўзи кўрсатган жойлашган ерида (почта манзилида) йўқ деб эътироф этиш учун асос бўлиши белгиланган.

Шу сабабли, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш ҳақида судга ариза киритган.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 149-моддасининг биринчи қисмида ариза судга ёзма шаклда берилиши, у аризани ёки унинг вакили томонидан имзоланиши, 61-моддасининг биринчи қисмида судда юридик шахсларнинг ишларини уларнинг қонунийликда ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиладиган органлари ва (ёки) вакиллари юритиши, 62-моддасининг биринчи қисми вакилнинг судда иш юритишга доир ваколатлари қонунга мувофиқ ва расмийлаштирилган ишончномада кўрсатилган бўлиши кераклиги, 63-моддасининг мазмунида аризани имзолаш ваколати ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд муҳокамаси жараёнида ушбу аризани аризачи раҳбарининг ўринбосари имзолаганлиги, унга бундай аризани имзолаш ҳуқуқини берувчи ишончнома берилмаганлиги аниқланди.

ИПК 107-моддасининг 3-бандига мувофиқ, ариза имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса суд аризани кўрмасдан қолдиради.

Юқоридагиларга асосан суд аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 19-бандига асосан аризачи ва жавобгар – ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Шу сабабли, мазкур иш бўйича давлат божи ундирилмайди.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 195-196-моддаларини қўллаб, суд

АЖРИМ ҚИЛДИ:

«Аризачи ташкилот номи»нинг аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан бир ойлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Эргашев

